

O'ZBEKISTONDA

FANLARARO INNOVATSIYALAR

VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI

2022
20-iyun

ISSN: 2181-3302



Exact
Natural
Medical
Technical
Economics
Philological
Pedagogical
Social sciences
and humanities



“O‘ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR” JURNALI



«BEST PUBLICATION»

Ilm-ma'rifat markazi ©

MATERIALLARI TO‘PLAMI

20-IYUN, 2022-YIL

9-SON


O‘ZBEKISTON

2022



Ushbu to'plamda "O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali" ilmiy jurnaliga kelib tushgan maqolalar o'rin olgan. Mazkur jurnalda zamonaviy ta'lim tizimini rivojlantirish jarayonida innovatsion ta'lim texnologiyalarini joriy etish va loyihalashtirish, integratsion ta'limni rivojlantirishda yo'nalishlar bo'yicha kreativ g'oyalar, takliflar va yechimlarni amalga oshirish maqsad qilib olingan. Mazkur jurnal materiallaridan OTM professor-o'qituvchilari, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari va umumta'lim maktab o'qituvchilari, mustaqil tadqiqotchilar, magistrantlar, ilmiy xodimlar, iqtidorli talabalar hamda shu sohada ilmiy ish olib borayotgan tadqiqotchilar foydalaishlari mumkin.

Eslatma! Jurnal materiallari to'plamiga kiritilgan maqolalardagi raqamlar, ma'lumotlar haqqoniylikiga va keltirilgan iqtiboslar to'g'riligiga mualliflar shaxsan javobgardirlar.





TAHRIRIYAT

Bosh muharrir:

Maqsudov Ulug'bek Qurbonovich

Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Mas'ul kotib:

Hakimov Iqboljon

Farg'ona Politehnika instituti

Mas'ul muharrir:

Yusufjonov Quyoshbek Komiljon o'g'li

Farg'ona davlat universiteti

Texnik xodim:

Yusupov Arabboy

Farg'ona davlat universiteti

TAHRIR KENGASHI A'ZOLARI

Tuychiyeva Inoyat Ibragimovna

Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Shamsiyeva Maxfuzaxon Xuja qizi

Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Sabirova Gulnoza Sadikovna

Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Saidov Ixtiyor Muzropovich

Farg'ona davlat universiteti harbiy ta'lim fakulteti boshlig'i

Mamatova Nodira Muxtarovna

Tibbiyot fanlari Doktori (Ds)

Rasulova Vasila Batirovna

Toshkent farmatsevtika instituti, Biologiya fanlari nomzodi, dotsent

Nikadambayeva Hilola Batirovna

Uzbekiston jurnalistika va ommaviy kommunikatsiyalar universiteti,

Pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

Pirimov Akram Pirimovich

Navoiy davlat pedagogika instituti, dotsent

Shodiyev Furqat Davranovich

*Navoiy davlat pedagogika instituti, Texnika fanlari
nomzodi, Dotsent*

Qurbonova Muqaddas Omonovna

Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Otaqulov Fozil Sobirovich

Geografiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Baltayeva Ikbal Tadjibayevna

*O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti. O'zbek tili va adabiyoti kafedrası
dotsenti, filologiya fanlari nomzodi.*

Sayfullayeva Ra'noxon Raupovna

O'zbekiston milliy universiteti. Filologiya fanlari doktori, professor.





Popova Tatyana Igorevna

SanktPeterburg davlat universiteti. Rossiya. Doctor filologicheskix nauk, professor.

Berdaliev Abduvali

Tojikiston. Xo'jand davlat universiteti. Filologiya fanlari doktori.

Manzuraxon Ernazarova

Navoi davlat pedagogika instituti. Filologiya fanlari doktori, professor.

Uluqov Nosirlon Muxammadalievich

Namangan davlat universiteti. Filologiya fanlari doktori.

Jumanazarova Guljahon

Filologiya fanlari doktori. Jizzax davlat universiteti.

A.A.Qosimov

Farg'ona davlat universiteti. Filologiya fanlari doktori, professor.

Jo'rayev Habibullo Abdusalomovich

Filologiya fanlari doktori. Farg'ona davlat universiteti.

Fayzimatov Shuxratjon No'monovich

Farg'ona politexnika instituti. Texnika fanlari doktori.

Hoshimov G'anijon Mirzaaxmadovich

Andijon davlat universiteti. Filologiya fanlari doktori.

Hulkar Hamroyeva

Filologiya fanlari nomzodi, dotsent. O'zbekiston respublikasi yozuvchilar uyushmasi a'zosi, jurnalist.

O'rinboyev No'monjon O'rmonovich

falsafa fanlari nomzodi, dotsent. XTXMOIO'

Qurbonova Muqaddas Omonovna

Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori. Farg'ona davlat universiteti.

Qunduzxon Atabayevna

Filologiya fanlari doktori, professor. O'zbekiston. Jahon tillari universiteti.

Hojaliyev Ismoiljon Tojiboyevich

Farg'ona davlat universiteti filologiya fanlari nomzodi, dotsent.

Erofeeva Inna Nikolaevna

Kandidat pedagogicheskix nauk, dotsent. Sankt Peterburg davlat universiteti. Rossiya.

Toshtemirova Zamira Sotvoldiyevna

pedagogika fanlari nomzodi, dotsent. Farg'ona davlat universiteti.

G.O.Abdugafurovich


Filologiya fanlari nomzodi. Farg'ona davlat universiteti.

Xudayarov Oybek Odilovich

Toshkent Davlat iqtisodiyot universiteti dotsenti

Muxitdinova Muniraxon

Pedagogika fanlari fanlari doktori, (PhD)





95	Hikmatova M.F <i>POMEGRANATE FRUITS IN THE PREVENTION AND TREATMENT OF KIDNEY DISEASES</i>	428
96	Khayitov A.N <i>POSSIBILITIES OF ENDOSCOPIC TREATMENT OF CICATRICIAL TRACHEAL STENOSIS</i>	432
97	Нуров Хомид Иброҳимович Амруллаев Бехзод Бобур ўғли <i>ИЗУЧИТЬ ИНФОРМАЦИЮ, НЕОБХОДИМУЮ ДЛЯ РАЦИОНАЛЬНОГО И ЭКОНОМИЧНОГО УПРАВЛЕНИЯ ЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ.</i>	438
98	Kilichova Raziya Nuraliyevna <i>MATEMATIKADAN MASALALAR YECHISH VA DARS O'TISH METODLARI BO'YICHA UMUMIY TAVSIYALAR</i>	441
99	Yazdankulova Gulnigor Muzaffarovna <i>PROBLEMS IN PRESCHOOL EDUCATION AND THEIR SOLUTIONS</i>	447
100	Omonov Fayziddin Komil o'g'li Fayzullayev Bekhzod Bakhtiyorovich Sidiqov Saidxon Murodjon o'g'li Sidiqov Bositxon Murodjon o'g'li <i>IOT HIMOYALASH USULLARI</i>	451
101	Ochilov Jonibek Abdo'xomid o'g'li <i>GANDBOL SPORT O'YINIDA DARVOZABONNING PSIXOLOGIK TAYYORGARLIGINI RIVOJLANTIRISH.</i>	453
102	Djuxonova Noxida Xayotjonovna Guljahon Eshonqulova <i>OILADA FARZAND XULQ-ATVORINI SHAKLLANTIRISHDA IJTIMOY-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI</i>	457
103	Karimova Nilufar O'roz qizi Gulomova Marguba Xolikovna Qodirova Gulnoza O'ktamovna <i>MAKTABLARDA KIMYO FANI O'QITISHNING METODIK AHAMIYATI</i>	463
104	Tolibboyev Ilyos Ilxom og'li <i>JZZAX VILOYATIDAGI ASOSIY YER USTI VA YER OSTI SUV MANBALARI</i>	467
105	Толлибоев Илѐс Илхом огли <i>СПОСОБЫ ОЧИСТКИ УЛИЦ И ДОРОГ ОТ АТМОСФЕРЫ И СТОЧНЫХ ВОД.</i>	473
106	Muqimova Asila Maynisovna Usmonova Xoltosh Hakimjonovna Bozorova O'g'il Xolmirzayevna <i>KIMYONI O'QITISHDA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALARDAN SAMARALI FOYDALANISH</i>	478
107	Рўзалиев Бехзоджон Авазжонович <i>МУҲАДДИС – ҲАДИСНИ РИВОЯТ ҚИЛГАН ОЛИМ</i>	483
108	Rizamova Xilola Azatovna <i>ALALIYA NUQSONIGA EGA O'QUVCHILAR NUTQINI RIVOJLANTIRISHDA O'YIN TEXNOLOGIYALARINI QO'LLASH</i>	488
109	Safarov O'lmasbek Sulton o'g'li <i>OLIS QISHLOQ VA TUMANLARDA BOLALAR SPORT OBYEKTлари TARMOG'INI YANADA KENGAYTIRISH</i>	491



МУҲАДДИС – ҲАДИСНИ РИВОЯТ ҚИЛГАН ОЛИМ

Рўзалиев Бехзоджон Авазжонович

*Исломуношунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси ўқитувчиси*

«Пайғамбар сизларга келтирган нарсани олингиз, у сизларни қайтарган нарсадан қайтингиз ва Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ жазоси қаттиқ зотдир»¹⁰¹. (Ҳашр сураси, 7-оят).

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан мерос бўлиб қолган илму маърифатнинг сарчашмаси ҳадис илмидир. У исломий илмларнинг энг қадимгиларидан бири бўлиб Расулуллоҳ (с.а.в.) билан бошланиб асрлар давомида камолотга етган бир илм ҳисобланади. Ҳатто бу илм бошланишдан узлуксиз тарзда ривожланиб инсониятнинг бахти-саодатига беқиёс хизматлар кўрсатиб, такомиллигини давом эттирмоқда.

Ровий луғатда нақл қилган, ташиган ва етказган деган маъноларни билдиради. Ҳадис истилоҳида ровий – ҳадисни ўрганиб адо қилиш йўлларида бири билан ўздан кейингиларга нақл қилувчи муҳаддисга, айтилади. Бошқа бир сўз билан айтганда, ҳадисни санади билан бирга ёки усулига уйғун ҳолда нақл қилган киши ровий дейилади. Ривоятни мақбул бўлиши учун ҳадисни ривоят қилган ровий ўзида икки тамал васфга эга бўлиши шарт: Адолат ва забот.

Адолат – ровий дин ишларида тўғри истиқоматда бўлиб, гуноҳ ва ёмонликлардан узоқ бўлишига айтилади. Ровий диний фарзларни буюрилганидек бажариши, амр қилинган нарсаларни бажариб, қайтарилганлардан тийилса адолат билан васфланади. Адолат ровийни тақвога йўналтириб, инсоний ҳурматни тушурадиган хато ва ишлардан узоқ тутган бир хусусиятдир. Адолатни таъминлаган шартлар: Ақл, балоғат, ислом, эътиқод, диёнат, сидқ, мурувват, шуҳрат ва лиқа(кўришиш). Буларни бирма-бир кўриб чиқамиз:

1. Ақл. Ровий ақл соҳиби, яъни оқил бўлиши шарт. Бу фарқ қилиш ва ажратиш имкониятини берувчи қудратдир. Яъни, айтилган нарсани тўлиқ тушуниб, тўғри жавоб бериш қобилиятидир. Ақл жиҳатидан бирор бир камчилиги бўлмаслиги керак.

2. Балоғат. Муҳаддислар бир кишини ҳадис тинглаши учун ақл соҳиби бўлиш етарли, деб билганлар. Бироқ, ўрганган ҳадисни ривоят қила олиши учун балоғатга етган бўлишини шарт қилганлар. Адо ёши 20, 30, 40 ва ҳатто 50 ёш бўлишини шарт қилганлар ҳам бўлган. Аммо, ровий ҳадисни ривоят қила олиши учун энг камида балоғатга етган бўлиши керакдир.

¹⁰¹ Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети; таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. –Т.: “Тошкент ислом университети”, 2018й. – Б. 546.





3. Ислом. Бутун муҳаддислар иттифоқ қилган бир шартдир. Ровий мусулмон бўлиши шарт. Ғайри мусулмоннинг ривояти қабул қилинмайди. Шунингдек, муртаднинг ривояти мақбул эмас.

4. Эътиқод. Ровий эътиқоди тўғри киши бўлиши шарт. Эътиқоди аҳли сунна вал жамоа ақидасига зид бўлган ва куфрга етаклайдиган нотўғри ва залолатли ишонч эгасининг ҳадиси қабул қилинмайди.

5. Диёнат. Ровий диёнатли бўлиши шарт. Фарз амалларни тўлиқ бажармаган, ҳаром ишларни қилиб юрган фосиқнинг ҳадиси мақбул эмас.

6. Сидқ. Ровийга қўйилган энг муҳим шартдир. Ровий тўғриси бўлиши шарт. Бир ровийнинг адолатли деб билиниши учун исломдан кейинги васф бу тўғриси бўлишидир. Ёлғончининг ривояти олинмайди.

7. Муруват. Ровий меҳр-муруватли бўлиши шарт. Инсонийлик жиҳатидан ва ахлоқий томондан урф ва одоб қоидаларига риоя қилинишига эътибор берилади. Ровий омма учун мувоҳиш ишлардан ҳам ўзини тийиши керак.

8. Шуҳрат. Ровий танилган ва тамоман маълум бир киши бўлиши шарт. Бундай ровий машҳур, деб аталади. Бу ердаги шуҳрат урфий эмас, истилоҳий бўлиши керак. Бу икки суратда қўлга киритилади: А). Бир ровийни машҳур бўлиши учун ундан энг ози икки киши ҳадис тинглаб ривоят қилиши керак. Б). Ровий жарҳ ва таъдил жиҳатидан бирор бир эътирозга учрамаган бўлиши керак.

9. Лиқа. Ровийнинг ривояти мақбул бўлиши учун кимдан ривоят қилган бўлса у билан учрашиб кўришган бўлиши шарт.

Забт – ровий эшитган ҳадисни бошқаларга ривоят қилгунгача бирор бир ўзгартириш киритмасдан қандай эшитган бўлса шундай шаклда хотирасида сақлаши ва керак бўлганда айнан такрорлаб беришига айтилади. Ровийнинг забти дейилганда, эсда сақлаши ва хотираси эътиборга олинади. Чунки, хотираси заиф бўлган ровий эшитган ҳадисларини айнан ривоят қилолмаганидан забт жиҳатидан заиф ҳисобланади. Забт соҳиби бўлган ровийда шу хусуслар бўлиши шарт:

1. Ҳушёр ва сергак бўлиш. Ровий ривоят қилмаган бир ҳадисни унга нисбат бериб “буни сен ривоят қилдинг”, дейилганда қабул қилиб розилик билдирган киши ғофил ва паришонхотир саналади. Бундай кишилардан ҳадис олинмайди.

2. Аниқлик. Ёзганлари ва ёд олган нарсаларини жуда яхши ҳамда аниқ билиши талаб қилинади. Маъно билан ривоят қилса, маънони бузадиган унсуларни яхши билиш.

3. Мудаллис бўлмаслик. Яъни ҳадис ривоятини дуруст ва тўғри шаклда амалга ошириши талаб қилинади. Агарда ровий ҳадисни ривоят қилиш жараёнида хоҳ санадда бўлсин, хоҳ матнда бўлсин бир қисм камчиликларни яширишга ҳаракат қилса, бу кишининг ривояти “саҳиҳ” бўлмайди.

Бир ровийни забт соҳиби эканлиги шу шаклда аниқланади: Ривояти забт сифатлари билан танилган сиқа(ишончли) ровийларнинг ривоятлари билан солиштирилади. Ривоятлари сиқа ровийларнинг ривоятлари билан умумий





жиҳатда бир хил бўлса, бундай ровий забт сифатига эга эканлиги маълум бўлади. Агар сиқа ровийларнинг ривоятларига мухолифи кўп бўлса, забт соҳиби эмаслиги ошкор бўлади. Бундай кишини ривоятларига эътибор берилмайди ва амал қилинмайди.

Ровийда адолат ва забт сифатлари мукаммал бўлса, уни “сиқа” дейилади ва ҳадислари билан амал қилиш мумкин. Ровийларни адолат ва забт жиҳатидан тадқиқ қилиб изланишлар олиб борадиган махсус ҳадис илм соҳаси бу “Жарҳ ва таъдил” илмидир. Жарҳ – ровийда адолат ва забт сифатлари мукаммал бўлмаганлигини аниқлаб ошкор қилинишидир. Таъдил – ровийни адолат ва забт жиҳатидан мукаммал эканлигига ҳукм қилиб, уни ривоятлари тўғри ва ишончли эканлигини ошкор қилинишидир. Жарҳ ва таъдил жиҳатидан ровийлар ўнта танқид босқичидан ўтказилади. Буларни бештаси адолатга бештаси забтга қаратилгандир. Ровийнинг адолатига қаратилган танқидлар:

1. Ровий ёлғончилиги. Пайғамбар (с.а.в.) айтмаган нарсани айтди, қилмаган нарсани қилди, деб ривоят қилишидир. Бу ҳолда ровий ишончсиз эканлиги маълум бўлади. Ривоятларига тўқилган ва уйдурма сифатида муомила қилинади.

2. Ровийнинг ёлғончилик билан айбланиши. Агар ровий кундалик ҳаётида ҳам ёлғончи эканлиги маълум бўлса, ривоятда ҳам ёлғон айтиши мумкин, деб қаралади ва ривоятига эътибор берилмайди.

3. Ровий фосиқ бўлиши. Ровийнинг гуноҳкорлиги ва ислом динининг буйруқ ва қайтариқларидан бирортасига буйсунмаслигидир. Бундай ровийнинг ривояти мункар(инкор қилинган) ривоят дейилади.

4. Ровийнинг мажхуллиги. Ровий танилмасдан одамлар у ҳақида ҳеч нарса билмасликлари. Бу ровийнинг зоти ёки аҳволининг билинмаслигидир. Бу ровийнинг ривояти мубҳам(ноаниқ, мавҳум) ривоят дейилади. Ўзи эса, мажхул дея жароҳатланади.

5. Ровийнинг бидъатчилиги. Ровий бидъат аҳлидан бўлиши.

Ровийнинг забтига қаратилган танқидлар:

1. Хатонинг кўплиги. Ривоятни жуда кўп хато ва янглишлар билан қилиниши. Ривоятда адашган ва хато қилган нисбати ярми ёки ундан кўп бўлса, ривояти қабул қилинмайди. Ривоят мункар номини олади.

2. Ғофиллик. Ровий ҳаддан ташқари ғофил ва паришонхотир бўлиши. Ровий диққатли бўлиши керак жойларда ғафлатда қолиши. Бу ривоят мункар номини олади.

3. Ваҳм(ўйламоқ). Ҳадиснинг санад ва матнида ҳатто жарҳ ва таъдилда тўғри, деб ўйлаб баъзи хатоларга йўл қўйиши. Бу ривоят муаллал(иллатли) номини олади.

4. Сиқа ровийларга мухолифлик. Заиф бир ровий ишончли ровийлардан бирига мухолиф бўлиши ёки сиқа ровий ўзидан янада ишончли ровийдан фарқ





қилувчи ривоятни қилиши. Бундай ҳадисларни мункар, мудраж(қўшимча қўшилган) ва мақлуб(ўзгартирилган) номларини олади.

5. Хотиранинг ёмонлиги. Ровийнинг хотираси кучли бўлмасдан эсдан чиқариши оқибатида тез-тез хатога йўл қўйишидир.


Жарҳ ва таъдил кўригидан ўтказилгандан кейин ровийлар икки гуруҳга ажратилади: Муъаддал ва мажруҳ. Муъаддал – адолат ва забт жиҳатидан мукаммал бўлган ровийлар, дейилади. Булар сиқа гуруҳини ташкил этадилар.

Мажруҳ – жароҳатланган ровийлар дейилади. Булар заиф гуруҳини ташкил этадилар. Шунингдек, жарҳ ва таъдил натижасида аҳволлари аниқланиш даражасида икки гуруҳга бўлинади: Маъруф ва мажхул. Маъруф – шахси ва аҳволи ижобий ёки салбий жиҳатдан аниқланган ровий. Мажхул – мажхул айн ва мажхул ҳолга бўлинади. Мажхул айн – ўзидан фақатгина бир ровий ҳадис ривоят қилган киши. Бундай ровийнинг ривояти қабул қилинмайди. Мажхул ҳол – зоҳирий ва ботиний хусусиятлари маълум бўлмаган, икки ёки ундан кўп киши ўзидан ҳадис ривоят қилиши ва лекин ишончли эканлиги аниқланмаган ровий. Бундай ровийнинг ривояти ўрганилиш шарти билан қабул қилинади ёки рад қилинади.

Имом ал-Бухорий ва Имом Муслим ҳадисни “саҳиҳ” бўлиши учун ровийга энг асосий талаб: У сиқо, яъни ишончли одам эканлигига иттифоқ қилинган бўлиб, ҳадис илми билимдонлари орасида танилган бўлиши шарт. Ровий сиқо эканлиги хусусида олимлар орасида ихтилоф бўлмаслиги шарт. Агарда ихтилоф бўлса, бундай ҳадислар “саҳиҳ”лик даражасидан тушади ва унга эътибор берилмайди. Шу ўринда айтиш лозимки, саҳобалар даври ҳижрий 110-йилгача давом этган. Тобеъинлар даври пайғамбар (с.а.в.) вафотлари ҳижрий 11-йилдан 180-йилгача давом этган. Табаъ тобеъинлар энг охири вафот этган саҳоба ҳижрий 110-йилдан 220-йилгача давом этган. Ҳадис илмида эгаллаган даражаларига кўра қўйидагича бўлинадилар:

1. Толиб. Ҳадис билан янги шуғулланишни бошлаган. Ҳадис илми ҳақида унчалик маълумоти бўлмаган кишиларга айтилади. Шунингдек, ҳадисларни санадлари билан нақл қила оладилар. Лекин, санаддаги ровийлар аҳволларини, матндаги қусур ва нозикликларни билмайдилар. Билишлари ҳам шарт эмас. Бу ҳолатда уларга мубтадий (ҳадисни янги бошлаган) ва муснид (ҳадисни иснодлари билан нақл қилувчи), дейилади.

2. Муҳаддис. Ҳадис илмида маълум бир савияга эришган олимга берилган унвон. Муҳаддис – ҳадисларни санадлари, иллатлари, санаддаги ровийлар аҳволларини мукаммал билган ва ҳадис илмига оид барча асарларни батафсил ўрганган, санад ва матнлари билан биргаликда 20 000 та ҳадис ёдлаган олимга берилган унвон. Шунингдек, ҳадис матнини, у қамраб олган ҳукмларини ва унга қандай амал қилиш жуда яхши билган олим. Муҳаддис номи ўрнига шайх ва имом таъбирлари ҳам ишлатилади. Муҳаддислардан баъзилари: Ато ибн Рабоҳ





(в.й.114/732), Аҳмад ибн Ҳажар ал-Ҳайтабий (в.й.973/1565), Абдуррауф ал-Мунавий (в.й.1031/1621), Муҳаммад Муртазо аз-Зубайдий (в.й.1205/1790).

3. Ҳофиз. Ҳадис илмида юксак даражадаги олим. Ривоят қилган ҳадисларини ва санадлари мукаммал билган олим. Ҳофиз – санад ва матнлари билан биргаликда 100 000 та ҳадис ёдлаган муҳаддис олимга берилган унвон. Ҳофиз ўлароқ танилган баъзи муҳаддислар: Ибн Шихоб аз-Зухрий (в.й.124/741), Абу Бакр ибн Абу Шайба (в.й.235/849), Абдуллоҳ ибн Абдуррахмон ад-Доримий (в.й.255/868), Абдуррахмон ибн Хотим ар-Розий (в.й.327/938), Хотиб ал-Бағдодий (в.й.463/1070).

4. Хужжат. Ҳофиздан кейинги юксак даражадир. Хужжат – ҳадис илмини мукаммал ўрганган ва ҳар ким далил сифатида кўрсата оладиган даражага етган, санад ва матнлари билан биргаликда 300 000 та ҳадис ёдлаган муҳаддис олимга берилган унвон. Хужжат даражасига етган баъзи муҳаддис олимлар: Маъмар ибн Рашид (в.й.153/770), Мусаддад ибн Мусарҳад ал-Басрий (в.й.228/842), Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аммор (в.й.242/856), Абдулмалик ибн Муҳаммад Абу Нуъайм ал-Журжоний (в.й.323/934).

5. Ҳоким. Ҳадис илмида энг юксак даражага етган олимга берилган сифатдир. Ҳоким – пайғамбар (с.а.в.)дан қанча ҳадис ривоят қилинган бўлса барчасини санад ва матни, ровий ва бошқа жиҳатлари билан мукаммал билган муҳаддис олимга берилган унвон. Бу билан бутун суннат илмига ҳоким бўлганини билдириш учун қўлланилган. Ҳоким санад ва матнлари билан биргаликда 800 000 та ва ундан ҳам кўп ҳадис ёдлаган муҳаддис олимдир. Ҳоким даражасига етган баъзи муҳаддис олимлар: Молик ибн Анас (в.й.179/795), Аҳмад ибн Ҳанбал (в.й.241/855), Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (194/809-256/869), Муслим ибн ал-Ҳажжож ал-Найсабурий (204/819-261/874), Сулаймон ибн ал-Ашъас ас-Сижистоний (202/817-275/888), Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий (209/824-279/892), Аҳмад ибн Шуъайб ан-Насоий (216/831-304/916), Ибн Жарир ат-Табарий (в.й.310/922), Ибн Ҳажар ал-Асқалоний (773/1371-852/1448), Жалолиддин ас-Суютий (в.й.911/1505).

Булардан ташқари бошқа энг олий мартаба ҳам бор. Бу ҳадисда мўминларнинг амири унвонидир. Бу унвонга Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ва унинг устози Исҳоқ ибн Роҳвайҳ каби олимлар эришган.

